

INNOVATION IQTISODIYOT

Ilmiy-amaliy elektron jurnal

ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА

Научно-практический электронный журнал

THE INNOVATION ECONOMY

Electronic Scientific and Practical Journal



2025 / 5



@QMI_Instituti



Qarshi shahri,
Mustaqillik ko'chasi 225 - uy



www.kstu.uz
www.ojs.qmii.uz

INNOVATION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON
JURNAL

3-jild
5-son
oktabr, 2025

October 2025
Volume 3
Number 5

ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА
Научно-практический
электронный журнал

THE INNOVATION ECONOMY
Electronic Scientific and Practical
Journal

INNOVATSION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON JURNAL

ISSN: 3030-315X

ojs.qmii.uz

Muassis:

Qarshi davlat texnika universiteti

Tahririyat Kengashi raisi:

R.X.Ergashev, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Qarshi davlat texnika universiteti

Tahririyat Kengashi raisi o'rinbosari:

S.N.Xamrayeva, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Qarshi davlat texnika universiteti

Mas'ul muharrir:

N.A.Ochilova, PhD, dotsent

Qarshi davlat texnika universiteti

Texnik muharrir:

F.F.Haqqulov, PhD

Qarshi davlat texnika universiteti

Jurnal har oyda bir marotaba elektron shaklda
jurnalning rasmiy sayti orqali nashr etiladi.

Tahririyat manzili:

180100, Qarshi shahri, Mustaqillik ko'chasi 225-uy

Tel.: +998 (75) 221 09 23

+998 (93) 902 72 63

Faks: +998 (75) 221 1395

E-mail: innoeconomic@qmii.uz

"Innovatsion iqtisodiyot" ilmiy - amaliy
O'zbekiston elektron jurnali ta'lim, fan va
innovatsiyalar Respublikasi Oliy vazirligi
huzuridagi **Oliy attestatsiya komissiyasi**
rayosatining 2025-yil 5-apreldagi 369-sonli
qarori bilan milliy ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan

Jurnalda quyidagi ruknlar asosida maqolalar nashr etiladi:

1. Nazariya va metodologiya
2. Raqamli iqtisodiyot
3. Mintaqa va tarmoqlar iqtisodiyoti
4. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik
5. Inson kapitali iqtisodiyoti
6. Menejment va marketing
7. Buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit
8. Moliya, kredit va investitsiya
9. Ekonometrika va statistika
10. Xizmat ko'rsatish va turizm sohasi

TAHRIRIYAT KENGASHI:

Tahririyat Kengashining xalqaro a'zolari:

Овчиников Виктор Николаевич - i.f.d., professor, akademik (Janubiy Federal
Universitet, Rossiya)

Солодовников Сергей Юревич - i.f.d., professor (Belorussiya milliy texnika
universiteti)

Сидиров Виктор Александрович - i.f.d., professor, (Kuban davlat universiteti)

Шевченко Игорь Викторович - i.f.d., professor (Kuban davlat universiteti, Rossiya)

Kusainov Xalel Xaymullayevich - i.f.d., professor (Qozog'iston davlat texnologiya
universiteti)

Samandarzoda Iskandar Hakim - i.f.d., i.f.d., professor (SH.Shotemur nomidagi
Tojikiston agrar universiteti)

Гибадуллин Артур Артурович Национальный исследовательский университет

Московский энергетический институт Войнаш Сергей Александрович

Казанский приволжский (федеральный) университет

Пуляева Валентина Николаевна Финансовый университет при Правительстве
РФ

Морковкин Дмитрий Евгеньевич Финансовый университет при Правительстве
РФ

Садриддинов Манучехр Исмоиддинович Международный университет
туризма и предпринимательства Таджикистана, Душанбе

Перская Виктория Вадимовна директор Института исследований

международных экономических отношений, Финансовый университет при
Правительстве РФ

Молчанов Игорь Николаевич Профессор экономического факультета.

Московский государственный университет имени М.В. Ломоносова

Басова Мария Михайловна Заместитель декана факультета налогов, аудита и
бизнес-анализа Финансовый университет при Правительстве РФ

Чупин Александр Леонидович Заместитель декана экономического факультета

Российский университет дружбы народов имени П.Лумумбы

Незамайкин Валерий Николаевич Профессор кафедры финансов и кредита

Российский государственный гуманитарный университет

Никонорова Алла Владимировна Доцент кафедры экономической теории

Финансовый университет при Правительстве РФ

Дмитриева Ольга Александровна Доцент кафедры налогов и налогового

администрирования факультета налогов, аудита и бизнес-анализа

Финансовый университет при Правительстве РФ

Швец Юрий Юрьевич Лаборатория управления инновациями, Институт

проблем управления Российской академии наук

Колосова Елена Валерьевна Лаборатория управления инновациями,

Российский экономический университет имени Г.В. Плеханова

Tahririyat Kengashi a'zolari:

Gulyamov Saidaxror Saidaxmedovich - i.f.d., professor, akademik

Bozorov Orifjon Shodiyevich - t.f.n., dotsent

Pardayev Mamayunus Qarshiboyevich - i.f.d., professor

Vaxabov Abduraxim Vasikovich - i.f.d., professor

Hakimov Obidjon Arzikulovich - i.f.d., professor

Navruz-zoda Baxtiyor Negmatovich - i.f.d., professor

Xatamov Ochildi Qurbonovich - i.f.d., professor

Fayziyeva Shirin Shodmonovna - i.f.n., professor

Jumayeva GulruxJo'raqulovna - i.f.n., professor

Egamberdiyeva Salima Raimovna - i.f.n., dotsent

Erkayeva Gulbahor Panjiyevna - i.f.n., professor

Amirqulov Shuhrat Olimovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Samiyeva Gulnoza Toxirovna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Aliqulov Azamat Tuyg'unovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Aminov Fazlitdin Baxadirovich - i.f.n., dotsent

Xo'jaqulova Nigora Rustamovna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Turobov Sherzod Alisherovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Alimova Munisa Yulchiyevna - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Ergasheva Nasiba Raxmatullayevna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Boboqulov Sanjar Baxromkulovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Djalilov Raxmonkul Hamidovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Nomazov Baxrom Bobomurodovich - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Alimxanova Nigora Alimxanovna - i.f.f.d. (PhD) dotsent

October 2025

Volume 3

Number 5

INNOVATION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON
JURNAL

ojs.qmii.uz

Рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ сиёсати ва унинг билвосита солиқлар механизмига таъсири

Джалилов Раҳмонкул Ҳамидович (PhD)

Налоговая политика в цифровой экономике и ее влияние на механизм косвенных налогов

Джалилов Раҳмонкул Ҳамидович (PhD)

Tax policy in the digital economy and its effect on the mechanism of indirect taxes

Djalilov Rahmonkul Hamidovich (PhD)

Received: September 17, 2025 Revised: September 20, 2025

■ Accepted: September 23, 2025 ■ Published Online: October 1, 2025

- **Аннотация.** Ушбу мақолада солиқ тизимида рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ соҳасида амалга оширилаётган солиқ сиёсатнинг билвосита солиқларни ҳисобга олиш механизмларига таъсири ўрганилган.
- **Abstract.** This article examines the impact of tax policies implemented in the tax sector in the context of the digital economy on the mechanisms for accounting for indirect taxes in the tax system.
- **Аннотация.** В данной статье исследуется влияние налоговой политики, реализуемой в налоговом секторе в контексте цифровой экономики, на механизмы учета косвенных налогов в налоговой системе.
- **Калит сўзлар:** Рақамли иқтисодиёт, солиқ тизими, солиқ назорати, солиқ маъмуриятчилиги, билвосита солиқлар, электрон, рақамли солиққа тортиш.
- **Key words:** Digital economy, tax system, tax control, tax administration, indirect taxes, electronic and digital taxation.
- **Ключевые слова:** Цифровая экономика, налоговая система, налоговый контроль, налоговое администрирование, косвенные налоги, электронное, цифровое налогообложение.

■ КИРИШ

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида жумладан, бизнинг мамлакатимизнинг замонавий солиқ тизимида

муҳим ўринни билвосита солиқлар эгаллайди, уларнинг афзаллиги муҳим фискал салоҳиятда намоён бўлишидадир. Хорижий мамлакатлар солиқ тизимларида билвосита солиқлардан бўйин товлашнинг олдини олишнинг энг яхши амалиёти бугунги кунда

рақамли иқтисодиёт имкониятларидан фойдаланиш ҳисобланади.

Иқтисодиётни рақамлаштириш, солиққа тортиш маъмуриятчилигини рақамлаштириш бевосита барча турдаги солиқлар, шу жумладан, билвосита солиқлар механизмига ҳам таъсир кўрсатади.

Иқтисодий ўсишнинг барқарорликни таъминлаш, ислохотларнинг амалий натижадорлигини оширишда рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва уни амалиётга кенг жорий этиш муҳим ҳисобланади. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги фикрларини келтиришимиз мумкин: “Рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади. Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир” [1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5-октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079 сонли Фармонининг қабул қилиниши мамлакатимизда рақамли иқтисодиётга ўтишнинг стратегиясини белгилаб берди [2]. “Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегияси бевосита солиқ назоратини рақамли иқтисодиёт талабларига мослаштириш заруриятини келтириб чиқаради.

2021-йил ҳолатига кўра, рақамли иқтисодиётнинг Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотидagi улуши 1,6 фоизни, АҚШда – 9,3 фоизни, Хитойда – 3,8 фоизни, Ҳиндистонда – 8 фоизни ташкил этди. 2025 йилга бориб жаҳон рақамли иқтисодиёти 23 триллион долларга етади, унинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидagi улуши ҳозирги 17,1 фоиздан 24,3 фоизгача ошади [7].

Россия Федерациясида рақамлаштиришнинг асоси бўлган янги ахборот технологияларга катта миқдорда маблағ йўналтирилмоқда. Мамлакатда АТни ривожлантиришга инвестициялар 2022 йилда 384,3 миллиард рублдан 521,9 миллиард рублгача ўсди. Шу билан бирга, 2030 йилгача инвестициялар 400 фоизга ўсиши керак [8].

Мамлакатимизда иқтисодиётни рақамлаштиришни ривожлантириш шароитида қонун бузилиши, солиқ солинадиган базани пасайтириш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларининг олдини олиш учун солиқ тизимини такомиллаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини рақамли иқтисодиёт талабларига мослаштиришни зарурият қилиб қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш

бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389 сонли Қарори билан “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”” [3] ҳам маъқулланган.

■ АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида солиқ маъмуриятчилиги солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш ва таққослаш қўшимча солиқлар, жарималар ва пенялар шаклида бюджетга қўшимча тўловларни ундириш имконини берувчи ҳамда бу орқали солиқ қонунчилиги бузилишининг олдини олиш ёки минималлаштиришни таъминлайдиган турли рақамли ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва қўллашга асосланади.

Солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш зарурияти хусусида С.Гупта қуйидагиларни таъкидлайди: “Рақамлаштириш солиқ маъмуриятлари фаолиятини ўзгартириб, жараён самарадорлиги ва хизматлар кўрсатишни яхшилашга ёрдам беради. Ёрқин мисол – фирмалар ва солиқ органи ўртасида ҳисоб-китоб маълумотларини автоматик тарзда ўтказиш имконини берувчи электрон ҳисобварақ-фактуранинг (е-инвойсинг) қабул қилиниши” [9].

Ф.И.Исаев “Рақамли иқтисодиётни солиқ тизимида жорий этганда:

- йирик корхоналар томонидан қўлланилган солиқларни тўлашдан бош тортиш тизимларнинг кенг доирасига ойдинлик киритади, бу адолатли солиққа тортиш зарурлиги тўғрисида жамоатчилик ўртасида қизғин мунозараларни келтириб чиқаради;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий, статистик ва солиқ ҳисоботларини тезда таҳлил қилиш имконини беради;
- таҳлика-таҳлил ишларини йўлга қўйганда, керакли ҳисоботлар асосида тезда маълумотларни қайта ишлаб, хулоса олишни соддалаштиради;
- ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект фаолияти бўйича объектив баҳо берилишини таъминлайди;
- ҳозирги вақтда фойдаланувчи маълумотлари муҳокама марказида бўлса-да, иқтисодиётнинг рақамлаштирилиши яқин келажакда маълумотларнинг кенг спектрларини ақлли маълумотларга айлантиришга ёрдам беради” [10].

Рақамлаштириш нафақат солиққа тортишнинг янги объектларнинг пайдо бўлишини назарда тутаяди, балки солиқ маъмуриятчилигида солиқ тўловчилар билан ўзаро ҳамкорлик жараёнларини соддалаштириш нуқтаи

назаридан қўшимча имкониятлар яратади.

Солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш асосида такомиллаштириш борасида Европада маълум ишлар амалга оширилмоқда. Европада алоҳида мамлакатларда ягона ҳисобот стандарти жорий қилинган. ИХТТ (иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Organisation for Economic Cooperation and Development) томонидан ишлаб чиқилган ягона ҳисобот стандарти SAF-T (Standard Audit File for Tax) Европа Иттифоқининг турли мамлакатларида фаол амалга оширилмоқда. Масалан, 2020 йилда ушбу ягона стандарт Норвегия томонидан жорий этилган [11].

SAF-Tнинг амалга оширилиши солиқ органларига кўпроқ маълумот тўплаш имконини беради, натижада йиғимлар кўпаяди ва ҚҚС бўшлиқлари камаёди. Европа мамлакатларининг ягона ҳисобот стандарти SAF-T (Standard Audit File for Tax)ни қўллаш тажрибасини мамлакатимиз амалиётида фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

SAF-T-буташилотлардан миллий солиқ органиёкиташқи аудиторларга ишончли бухгалтерия маълумотларини электрон алмашиш имконини яратадиган халқаро стандарт. У тадбиркорлик субъектлари ва солиқ органлари ўртасида солиқ маълумотларини самарали ва барқарор алмашувини таъминлаш учун мўлжалланган.

Шунингдек, криптовалюталар билан операцияларни солиққа тортиш соҳасида Австралия ва АҚШ амалиётларини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятига жорий этиш, криптовалюталардан молиявий схемаларида фойдаланаётган солиқ тўловчиларнинг ҳисобини юритиш имконини беради [12]. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатларга криптовалюталарни солиққа тортиш бўйича тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур.

Солиқ маъмуриятчилигига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда “онлайн назорат касса машиналари”, “Электрон ҳисобварақ-фактуралар” ва бошқа марказлашган тизимлар орқали шаклланган маълумотларни қайта ишлаш натижасида бозор конъюнктурасини ўрганиш, қўшилган қиймат солиғи занжирини назоратга олиш, товар ва хизматларнинг иқтисодиётда ҳаракатланишини мониторинг қилиш, солиқ тўловчи шахсий кабинетининг фойдаланиш доирасини кенгайтириш лозим.

Ҳ.Х.Насруллаев солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш борасида қуйидаги фикрларни билдиради: Солиқ тизимини ахборотлаштириш солиқ маъмурчилиги жараёнларига рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали, инсон омилини кескин

қисқартириш, солиқ қонунчилигига риоя қилиш учун зарур бўлган ахборот хизматларини шаффоф ва самарали механизмлар ёрдамида солиқ тўловчига тақдим этиш ҳисобланади [13].

Солиқ соҳасида рақамлаштиришнинг жорий этилишини ўзига хос ижобий томонлари ҳам мавжуд. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва уни амалиётга кенг жорий этиш, бевосита бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш методологиясини такомиллаштиришни талаб этади.

Солиқ тизимининг рақамли ўзгаришига ёрдам берадиган муҳим омиллар қаторида солиқ декларациясининг универсал шакллари, солиқ маданиятининг юқори даражаси, яшарин иқтисодиётга қарши қатъий чоралар кўриш зарур.

С.Синельников-Мурылев, Н.Милогонов, А.Берберовлар солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш жараёнини қуйидагича эътироф этади: “Солиқ маъмуриятчилигининг рақамли ривожланиши солиқ тўлашдан бўйин товлашга қарши самарали кураш олиб боради, солиқ қоидаларининг ишончилигини оширади ва кўпроқ даромад келтиради. Минимал бошқарув харажатлари билан давлат молиясининг барқарорлигини таъминлайди. Бизнес томонида солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш жараёнларини рақамлаштириш шаффофликни оширади, компанияларнинг бошқарув жараёнлари техник хизмат кўрсатиш харажатларини камайтиради” [14].

■ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқотимиз методологияси бўлиб, солиқ сиёсати ва билвосита солиқлар бўйича иқтисодий муносабатлар ҳисобланади. Солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш бўйича назарий асослар умумлаштирилди ҳамда унинг ҳисобини такомиллаштириш тадқиқ қилинди. Тадқиқот жараёнида амалий материалларни таққослаш ва гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилиб, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

■ ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш солиқ турлари маъмуриятчилиги ва механизмига таъсир кўрсатади. Бошқача айтганда, солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш қўшилган қиймат солиғи базасини аниқлаш, ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш механизмининг рақамли трансформация этишни талаб этади. Қўшилган

қиймат солиғи бўйича баъзи маълумотларни келтириб ўтамыз.

Ўзбекистон Республикасининг 2021-2024 йиллардаги япши ички маҳсулоти, бюджет даромадлари, билвосита солиқлар тушуми ҳамда солиқнинг япши ички маҳсулот ва бюджет даромадларидаги улуши динамикаси келтирилган (1-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики билвосита солиқларнинг ЯИМ ва бюджет даромадларидаги улуши йилдан йилга ошиб бормоқда. Жумладан, билвосита солиқларнинг ЯИМдаги улуши 2021 йилда 6,86 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 8,04 фоизни, 2023 йилда 6,92 фоизни, 2024 йилда эса 6,07 фоиз бўлган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2021-2024 йилларда билвосита солиқлар тушумининг динамикаси

КЎРСАТКИЧЛАР	2021	2022	2023	2024
ЯИМ, трлн. сўм ҳисобида	820,54	888,3	1 204,48	1454,57
Бюджет даромадлари, трлн. сўм ҳисобида	164,7	202	231,72	274,4
Билвосита солиқлар, трлн. сўм ҳисобида	56,29	71,39	83,32	88,34
Даромадни ЯИМдаги улуши, % ҳисобида	20,07	22,74	19,24	18,86
Билвосита солиқларнинг ЯИМдаги улуши, % ҳисобида	6,86	8,04	6,92	6,07
Билвосита солиқларни жами даромаддаги улуши, % ҳисобида	34,18	35,34	35,96	32,19

Билвосита солиқлар бўйича тушумлар 2024 йилда 88,34 трлн сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 32,05 трлн сўмга ёки 1,57 баробарга ошди. Билвосита солиқларнинг улуши жами солиқлар тушумига нисбатан йилдан-йилга камайиш тенденциясида бўлаётганлиги билан бирга доимий равишда билвосита солиқлар тушуми миқдорининг ортиб боришини кузатишимиз мумкин. Бу жараёни солиқлар бўйича тушумларнинг ўсиши иқтисодий фаолликнинг ошиши, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштирилиши билан бир қаторда, солиқ тўловчилар сонининг ортиб бориши билан шартланади.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики билвосита солиқларнинг бюджет тушумларидаги улуши юқори бўлиб, унинг маъмуриятчилигини рақамлаштиришни заруриятини келтириб чиқармоқда. Бу борада иқтисодчиларнинг фикрларини таҳлил қилиб кўрамыз.

Россия Федерациясида қўшилган қиймат солиғини рақамлаштириш аҳамияти ва заруриятини О.М. Карпова ва И.А. Майбуrowлар қуйидагича изоҳлайди: Россияда қонунчилик даражасида рақамлаштириш биринчи марта 2017 йилда "Рақамли иқтисодиёт" миллий дастури билан белгиланди. Дастур доирасида "рақамли солиққа тортиш" йўналиши, хусусан, рақамли ҚҚС пайдо бўлди.

Бу атама расмий эмас, лекин ишлатилиши мумкин, чунки ҚҚС рақамлаштириш кўлами бўйича Россия солиқлари орасида етакчи ҳисобланади [15].

АСК-НДС автоматлаштирилган тизим хавфга асосланган ёндашувдан фойдаланган ҳолда, тўланадиган ҚҚСни кам кўрсатиш ёки ортиқча тўлаш фактларини аниқлаш жуда самарали назорат воситасидир. Агар ҚҚС занжирида узулишлар аниқланса, автоматик равишда солиқ тўловчига келишмовчиликлар сабабларини ошкор қилиш сўрови билан хат юборилади, бу эса солиқ инспекторларига ҚҚС декларацияси, сотиб олиш ва сотиш китоблари маълумотларини солиштиришдан кўра камроқ оддий операцияларга эътибор қаратиш имконини беради [14].

Мамлакатимизда ҳам қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашвабюджетга тўлаш жараёнини рақамлаштириш масаласида мақсадли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги "Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 522-сон қарор билан тасдиқланган "Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"НИЗОМ"да электрон ҳисобварақ-фактура

расмийлаштириш асосида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш жараёни рақамлаштириш асосида инсон омили таъсирини камайтириш амалга оширилмоқда [5]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги “Солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни янада такомиллаштириш ва қўшилган қиймат солиғининг ўрнини қоплаш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 595-сон қарори билан “Қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини солиқ органларида қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом” тасдиқланди [6]. Ушбу низомда ҳам қўшилган қиймат солиғи жараёнини рақамлаштириш ва автоматлаштириш мақсадида қуйидаги вазифалар белгилаб берилди: Махсус рўйхатга олиш бўйича ариза берган ҚҚС солиқ тўловчиларнинг хавфини автоматлаштирилган тарзда таҳлил қилиш бўйича махсус ахборот платформасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Бунда солиқ органлари томонидан белгиланган муддатда аризаларга жавоб тақдим этилмаган тақдирда рўйхатга олиш гувоҳномасини автоматик бериш тизимини назарда тутиш.

Электрон ҳисобварақ — фактураларни расмийлаштиришда етказиб берувчида товарларнинг мавжудлигини автоматик равишда аниқлаш электрон хизматини Ягона миллий электрон каталог идентификацион кодлари асосида жорий этиш.

Мамлакатимизда иқтисодиётни рақамлаштиришни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон қарори ҳам муҳим аҳамиятга эга [4]. Қуйидагилар рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни янада ривожлантиришнинг қўшимча вазифалари этиб белгиланган:

2023 йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2 бараварга кўпайтиришни назарда тутган ҳолда, шу жумладан ишлаб чиқаришни бошқаришда ахборот тизимлари комплексини жорий қилиш, молиявий-хўжалик фаолиятда ҳисобот юритишда дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш, шунингдек, технологик жараёнларни автоматлаштириш орқали уни жадал шакллантириш; дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва технологик майдончалар яратиш орқали «рақамли тадбиркорлик»ни ривожлантириш, 2023 йилга келиб ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 бараварга ошириш ва уларнинг экспортини 100 миллион долларга етказиш.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мамлакатимизда, шу жумладан солиқ тизимида рақамлаштиришни ривожлантиришга ҳисса қўшади. Бу эса қўшилган қиймат

солиғи маъмуриятчилигига белгиланган тартибда таъсир кўрсатади.

Хулоса ва таклифлар

асосан хулоса қиладиган бўлсак, солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштиришни ягона ҳисобот стандарти SAF-T (Standard Audit File for Tax) талаблари асосида юритиш мақсадга мувофиқ.

Умуман олганда Солиқ маъмуриятчилигига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда “онлайн назорат касса машиналари”, “Электрон ҳисобварақ-фактуралар” ва бошқа марказлашган тизимлар орқали шаклланган маълумотларни қайта ишлаш натижасида бозор конъюнктурасини ўрганиш, қўшилган қиймат солиғи занжирини назоратга олиш, товар ва хизматларнинг иқтисодиётда ҳаракатланишини мониторинг қилиш, солиқ тўловчи шахсий кабинетининг фойдаланиш доирасини кенгайтириш лозим.

Муаллиф ҳақида / Сведения об авторе / Author details

1. Джалилов Раҳмонкул Ҳамидович (PhD) Қарши давлат техника университети доценти / Джалилов Раҳмонкул Ҳамидович (PhD) доцент Каршинского государственного технического университета / Jalilov Rahmonkul Hamidovich (PhD) Associate Professor, Karshi State Technical University

► djalilovrahmonqul@gmail.com

■ ORCID: 0009-0002-1029-1027

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24-январь 2020 йил.
- [2]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5-октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079 сонли Фармони.
- [3]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389 сонли Қарорига 2-илова “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси””.
- [4]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон қарори.

- [5]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 522-сон қарори.
- [6]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги “Солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни янада такомиллаштириш ва қўшилган қиймат солиғининг ўрнини қоплаш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 595-сон қарори.
- [7]. Ахмедов Б.Состояние цифровой экономики в Узбекистане и перспективы ее развития. <https://infocom.uz/ru/%D1%81%>. 8.04.2023.
- [8]. Чернышенко Д., Шадаев М. 2023: Россия уходит от «колониальной зависимости» в ИТ. <https://www.tadviser.ru/index.php/2023>.
- [9]. Sanjeev Gupta, Michael Keen, Alpa Shah, and Genevieve Verdier “Digital Revolutions in Public Finance” Chapter 2. “Digitalization and Taxation”. © 2017 International Monetary Fund. 26-27.
- [10]. Исаев Ф.И. Солиқ текширувларини рақамлаштириш зарурияти. “Бизнес-эксперт” илмий журнали. 2021. - № 6. - 52-54 б.
- [11]. SAF-T Financial [Электронный ресурс] // The Norwegian Tax Administration 2019 URL: <https://www.skatteetaten.no/> (Дата обращения: 7.09.2022).
- [12]. Секушин А.Ю. — Цифровизация и налоговый контроль: опыт зарубежных администраций и возможности его имплементации в России // Налоги и налогообложение. – 2021. – № 3. – С. 26 - 38.
- [13]. Насруллаев Ҳ.Х. Солиқ маъмурчилиги замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали солиқ базасини кенгайтириш истиқболлари. Диссертация автореферати. 2022.
- [14]. С. Синельников-Мурылев, Н. Милогонов, А. Берберов. Цифровизация налогового администрирования в России: возможности и риски. Экономическая политика. 2022. №2. С.8–33.
- [15]. Карпова О.М., Майбуrow И.А. Трансформации налога на добавленную стоимость в условиях форсированной цифровизации Российской экономики. Вестник Томского государственного университета. Экономика. 2019. № 46.

Mintaqa va
tarmoqlar
iqtisodiyoti

Экономика региона
и отрасли

Economy of the
region and industry